

БАНК АЖБОРОННОМАНИ

Банк ходимлари ва тadbиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга утиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 20 (1095), 2017 йил 18 май

ТИФ Миллий банкидаги янги хизматлар тақдироти

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан пул муомаласини такомиллаштириш ва пластик карточкалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга бағишланган анжуман ташкил этилди.



Ушбу анжуманда ТИФ Миллий банки Пул муомаласи ва чакана операциялари департаментининг ходимлари У.Атамуратов, Х.Юлдашев ва Б.Эсанбоевлар томонидан мазкур соҳада олиб борилаётган ишлар ва режадаги лойиҳалар тўғрисида маърузалар қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизми-

ни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2753-сонли Қарори ижроси доирасида ТИФ Миллий банкининг барча бўлинма ва филиалларида узлуксиз равишда нақд пул захиралари етарлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳамда кунлик мониторинг ишлари олиб борилаётгани таъкидланди.

Маълумки, мазкур қарор пенсионерлар, талабалар

ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилиш, уларнинг ҳудудларда харид қиладиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўсиқларсиз амалга оширишида қулай шароитлар яратиш, қолаверса, бу борада мавжуд салбий ҳолатларга барҳам бериш мақсадида қабул қилинган

(Давоми 3-бетда).

Халқ фаровонлиги йўлида

«Аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш» дастури доирасида «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки Бошқаруви томонидан кредит ажратиш механизмининг соддалаштириш орқали кредитлашни жаддалаштириш мақсадида «Тadbиркорлик субъектлари ва аҳолининг кенг қатламига микрокредитлар ажратилиши бўйича вақтинчалик тартиб» ишлаб чиқилди.

Банкнинг Юридик ва жисмоний шахслар тadbиркорлик фаолиятини кредитлаш бўлими бошлиғи **Санжар Муродов** мазкур ҳужжатларга асосан амал қилинаётган янги кредитлаш тартиби хусусида куйидагиларни гапириб берди:

– Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан давлатимиз раҳбари ташаббуслари асосида «Аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш» сазй-ҳаракатлари

жамият ҳаётидаги муҳим ижтимоий-иқтисодий воқеаликка айланди. Бинобарин, дастурнинг ижроси доирасида бугунги кунда юртимизда бандлик даражаси ошди, кўплаб оилаларда доимий даромад манбаи шакллантирилди, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлар сафи кенгайди, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда инновацион ечимлар татбиқ этила бошлади.

(Давоми 3-бетда).

Банк тизимини янада барқарорлаштириш истиқболлари

Тошкент молия институтида Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси билан ҳамкорликда «Банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ресурслари етарлигини халқаро меъёрлар ва стандартлар талаблари асосида баҳолаш ва бошқариш» мавзуда халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тadbир давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли Фармони асосида тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналиши 3.1 бандида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилди. Унда Тошкент молия институти проректори Нисомиддин Ҳайдаров, Банк-молия академияси ректори в.б. Адҳам Бекмуродов ва бошқалар сўзга чиқиб, юртимизда сўнгги йилларда банк тизими барқарорлигини таъминлаш, тижорат банкларининг ресурс базаси ҳамда молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги ин-

вестициявий фаоллигини кучайтириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини, натижада йилдан-йилга уларнинг капиталлашув даражаси, депозитлари ҳажми, умуман, молиявий имкониятларига монанд ишончлиги ортаётганини таъкидлашди.

Хусусан, сўнгги беш йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2,5 бараварга, активлари ҳажми 2,9 бараварга, кредит портфели 3,4 бараварга, жалб қилинган депозитлари 3,5 бараварга ўсди. Банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштироки янада фаоллашиб, 2016 йилда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига 12,2 трлн. сўм ёки 2015 йилдагига нисбатан 1,2 баробар кўп инвестицион кредитлар ажратилганлиги бунинг яққол далилидир.

(Давоми 5-бетда).

Нобанк кредит ташкилотларининг жами капитали ўсди

Нобанк кредит ташкилотларининг жами капитали 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига 128,4 млрд. сўмга етди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 41,8 фоиз ўсди.

Уларнинг активлари таққосланаётган даврда 35,8 фоиз ортиб, 168,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Нобанк кредит ташкилотларининг кредит қолдиги 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига нисбатан 35,9 фоиз ўсиб, 148,3 млрд. сўмдан ортди.

Ҳозирги пайтда республикамиз кўйлаб 76 та микрокредит ташкилоти ва ломбард фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Матбуот хизмати.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 16 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгиллади:*)

1 Австралия доллари	2803,09	1 Канада доллари	2770,47	1 Норвегия кронаси	443,08	1 евро	4125,29
1 Англия фунт стерлинги	4888,73	1 Хитой юани	549,36	1 Польша злотийси	983,14	10 Жанубий Корея вони	33,71
1 Дания кронаси	556,73	1 Кувайт динари	12438,47	1 Сингапур доллари	2701,36	10 Япония иенаси	334,22
1 БАА дирҳами	1032,05	1 Россия рубли	66,30	1 СДР	5175,29	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	3790,00	1 Украина гривнаси	143,16	1 Туркия лираси	1062,04		
1 Миср фунти	209,16	100 Ливан фунти	251,73	1 Швеция кронаси	428,71		
1 Исландия кронаси	36,41	1 Малайзия рингити	874,68	1 Швейцария франки	3785,84		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи: 1 USD ▲ 3790,00 – (3765,77) | 1 EUR ▲ 4125,29 – (4118,35) | 1 GBP ▲ 4888,73 – (4876,30) | 10 JPY ▲ 334,22 – (331,32)

Банк тизими: тадбиркорликка алоҳида эътибор

Жорий йил биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати 2017 йилга мўлжалланган макроиктисодий кўрсаткичлар ва мамлакатимиз Президентини томонидан имзоланган ҳужжатларда банк тизимига юкланган вазифаларнинг бажарилишига йўналтирилди, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, барқарорлигини кучайтириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Банк тизимида эришилган кўрсаткичлар нафақат халқаро умумқабул қилинган меъёрларга мос келади, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди.

Хусусан, тижорат банкларининг умумий капитали 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига нисбатан 23,3 фоиз ошиб, шу йилнинг 1 апрель ҳолатига 9,9 трлн. сўмдан зиёдга етди (1-диаграмма).



Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси белгиланган халқаро меъёрлардан қарийб 3 баробар кўп, ликвидлиги эса, талаб этиладиган энг кам даражадан 2 баробардан ҳам зиёдни ташкил қилди.

Банк активлари жорий йилнинг 1 апрелига келиб 90,1 трлн. сўмни ташкил этди ёки бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29,2 фоиз ўсди. (2-диаграмма).



Банкларнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган самарали чора-тадбирлар тижорат банкларининг кредитга лаёқатлилик бўйича халқаро рейтинг олишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Хусусан, «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги етти йилдан буён Ўзбекистон банк тизими ривожланиш истиқболларига «барқарор» рейтинг баҳосини тақдими этиб келмоқда.

«Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» рейтинг агентликлари ҳам мамлакатимиз банк тизими фаолиятини ижобий баҳолаб келмоқда.




Банк тизими фаолиятининг асосий индикаторлари, чунончи, «банкларнинг умумий капитали етарлилиги», «тижорат банкларининг ликвидлиги», «депозитлар ҳажмининг динамикаси», «кредит қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши» 2017 йилнинг I чораги якунлари бўйича юқори баҳоларга мос бўлди.

Тижорат банкларининг асосий кўрсаткичларидаги

ижобий ўзгаришлар базавий тармоқларда юқори технологияли ва замонавий муҳим объектлар ҳамда қувватларни ишга тушириш, мамлакатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширишга шaroит яратмоқда.


Хусусан, ҳисобот санасига келиб иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиғи 57,3 трлн. сўмдан ошиб кетди, бу 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига нисбатан 29,9 фоиз кўпдир (3-диаграмма).

Банкларнинг инвестиция кредитлари ҳажми ҳам 2016 йилнинг 1 апрелига нисбатан 1,2 баробар ошиб, шу йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра 3,2 трлн. сўмни ташкил қилди (4-диаграмма).



Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш борасида қабул қилинган қатор директив ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида кредит ташкилотлари томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ушбу йўналишга ажратилган кредитлар ҳажми 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига 4,6 трлн. сўмни ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўпдир (5-диаграмма).

Унинг 1 трлн. сўмини микрокредитлар ташкил этади, бу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар зиёд.




Аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига нисбатан қарийб 25,5 фоиз ошиб, ҳисобот санасига келиб 514,1 млрд. сўмдан зиёдроқни ташкил этди.

Банклар томонидан ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам жиддий эътибор берилмоқда.

Хусусан, 2017 йилнинг I чорагида мазкур йўналишга 79,8 млрд. сўм миқдорига кредитлар ажратилиб, мазкур кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар ошиши таъминланди (6-диаграмма).

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари томонидан банк тизими учун белгилаб берилган усту-



вор вазифалардан бири, яъни микрокредитлар ажратиш орқали аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасида барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада ушбу йўналишга жами 1,4 трлн. сўмдан зиёд, шундан 25 млрд. сўм миқдорига кам таъминланган оилаларга микрокредитлар ажратилди.

Иқтисодийни кредитлаш ҳажмларининг мутасил ўсиб бориши тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлашни тақозо этади. Банклар ўз фаолиятида бу хизматлар доирасига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, банклардаги депозитлар қолдиғи 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига нисбатан 25,3 фоиз ўсиб, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, 47,4 трлн. сўмни ташкил этди (7-диаграмма).

Республикаимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда савдо ва пуллик хизматлардан тушумнинг қарийб 80 фоизи терминаллар орқали амалга оширилмоқда. Пластик карточкалар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми 12,1 трлн. сўмни ташкил этди ёки бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35 фоиз ошди.



Истиқболда банк тизими олдида турган устувор вазифалар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 2017 йил учун белгиланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари ижросини ўз вақтида сўзсиз бажарилишини таъминлаш, шунингдек, банк тизимининг барқарорлигини ошириш, тижорат банклари фаолиятини халқаро стандартлар ва принципларга мувофиқ баҳолаш, тартибга солиш ҳамда назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро молия институтлари билан ўрнатилган ҳамкорликни тобора мустаҳкамлаб бориш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, банк хизматлари турларини янада кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантиришдан иборат.

Бундан ташқари, тижорат банклари «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури» ҳамда 2017 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилиши ижроси доирасида белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратадилар.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Матбуот хизмати
материали асосида тайёрланди.**

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

ТИФ Миллий банкидаги янги хизматлар тақдими

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унга кўра, жорий йилнинг февралдан бошлаб барча турдаги пенсияларни тўлаш ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши, тоғли ва олис туманларда жойлашган бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, шунингдек, ушбу туманлар аҳолисига ижтимоий тўловлар ҳам ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда берилиши, олий ўқув юртлири талабаларига стипендия тўлаш 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда нақд шаклда амалга оширилиши белгиланган.

Анжуманда иштирокчилар мазкур муассаса томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, пластик карточалар асосида амалга оширилувчи янги хизматлар билан таништирилди.

Маълум қилинишича, банк томонидан давлатимиз раҳбарининг 2017 йил

2 февралдаги «Республикада банк пластик карточалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қулай шартшароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2751-сонли Қарорига мувофиқ, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектлар учун турли инновацион лойиҳалар ишга туширилмоқда. Хусусан, айна пайтда товар ва хизматлар хариди учун пластик карточалар асосидаги қатор кредит хизматлари бўйича дастур ишлаб чиқилди. Аҳоли ва савдо-сервис корхоналари манфатларига бирдек хизмат қилувчи мазкур дастурларда бонусли, дисконтли ва турли рағбатлантирувчи лойиҳаларни татбиқ этиш режалаштирилган. Пластик карточалар орқали иш ҳақи лойиҳалари асосида қисқа муддатли овердрафт кредитларнинг тақдим этилиши шулар жумласидандир. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбир-

корларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш имкониятини ошириш мақсадида мобиль терминаллар доирасини кенгайтириш чораси ҳам кучайтирилмоқда.

Қайд этиш лозим, жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, ТИФ Миллий банки томонидан 2 миллион 950 мингдан зиёд пластик карточка муомалага чиқарилган. Жорий йилда банк 600 минг пластик карточка сотиб олишни режалаштирган бўлиб, ҳозир 160 мингта карточка харид қилинган. Жойларда ўрнатилган терминаллар 22 мингдан ошди.

Банкда шунингдек, хорижга чиқувчилар учун «Visa Gold» ва «Visa Platinum» каби имтиёзли пластик карточкалар ҳам эмиссия қилинмоқда. Ушбу карточкалар мижозга дунёнинг исталган мамлакатда турли кўнгилочар марказлар, ресторан ва меҳмонхоналар, савдо нуқталарида тўловларни амалга

ошириш, турли қийматдаги чегирма ва соғваларни тақдим қилиши билан ўзига хослик касб этади.

Бундан ташқари, бугунги кунда ТИФ Миллий банкида халқаро пул ўтказмалари йўналишида ҳам янгиликлар мавжуддир. Муассаса Ягона умумреспублика процессинг маркази ва «QIWI» тўлов тизими билан ҳамкорликда «онлайн» карточка асосида халқаро пул ўтказмаларини жорий қилмоқда. Мазкур хизматнинг турдош тизимга нисбатан фарқи шундаки мижозларнинг пул маблағлари банк иш кунидан қатъи назар, куннинг исталган вақтида «онлайн» пластик карточкаларига келиб тушиши таъминланади.

Анжуманда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш борасидаги яна бир қатор янгиликлар, истиқболдаги режалар хусусида маълумот берилди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Халқ фаровонлиги йўлида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дастур доирасида банкмизмга республикамиз бўйлаб 432 та маҳалла бириктирилган. Мазкур маҳаллаларда 373 389 та хонадон ва уларда 1 073 минг нафар меҳнат ёшидаги фуқаронинг истиқомат қилиши маълум бўлди. Маҳаллаларга банкмизмдан 735 нафар малакали ходим сафарбар этилиб, улар томонидан бугунги кунгача 341 032 та хонадонга ташриф буюрилди, қолган барча хонадонларга эса, таклиф хати ва савол-жавоб варақаси почта орқали жўнатилди.

Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, кўенчилик, асаларичилик ва уй шароитида тадбиркорлик қилиш афзалликлари акс эттирилган таркатма материаллар ва намунавий бизнес лойиҳалардан ташқари банкмизм томонидан ушбу ислохотлар юзасидан аҳоли хабардорлигини оширишда кенг қамровликни таъминлаш мақсадида филиаллар негизда янги мини-банклар очилди, «Тадбиркорлар бурчаги» янгидан жиҳозланди, маҳалла фуқаролари йиғинлари биноларида «Маслаҳат марказлари» ташкил этилди. Аҳолига ажратилаётган кредит ва унга ҳисобланган фоз тўловлари тушунарли бўлиши учун кредитни қайтарish жадвалини аннунитет усулида бир хил ойлик тўловлар кўринишида расмийлаштирилиши йўлга қўйилди.

Шаҳарлар шароитидан келиб чиқиб, тикувчилик ва чеварчиликни ташкил қилиш, касаначиликни ривожлантириш, сартарошхона, пойабзал тузатиш устaxonаси, гўзаллик салонлари ташкил қилишга молиявий кўмаклашилаётган бўлса, қишлоқ жойларида чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, кўенчилик, балиқчилик, шунингдек, боғдорчилик, узумчилик,



иссиқхоналар ташкил этиш, новвойхонани ишга тушириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш каби мақсадларга кредитлар ажратилмоқда.

Юқорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда «Ипотека-банк» томонидан меҳнат ресурслари ортиқча ва олис бўлган туманларга алоҳида эътибор қаратилиб, мана шундай ҳудуд тадбиркорларига банкнинг махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан қулай шартларда кредитлар жалб қилинмоқда.

Банкмизм томонидан «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш» дастури бўйича бир кунда 1 919 та хонадонга, биринчи ярим йиллик мобайнида эса, 76 491 та хонадонга кредит ажратиш режа графиги белгиланган. Шунда бириктирилган хонадонларнинг камида 20 фоизи жорий йилнинг 15 июнига қадар кредит маблағлари билан таъминланиши кўзда тутилган.

Бунинг учун ҳар бир вилоятда мавжуд қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (қорамол, парранда, қўй, эчки, уруғ, кўчат) етказиб берувчи агрофирма ва фермер хўжаликлари рўйхати тузилди, аҳолига банкдан олинadиган кредит маблағларини

йўналтириш бўйича уларнинг таклифлари тақдим қилинмоқда.

Умуман, жорий йилда мазкур дастур бўйича банкнинг қарийб 400 млрд. сўмдан ортиқ пул маблағлари йўналтирилиши мўлжалланган. Шу билан бир қаторда, ҳозирги кунда «Ипотека-банк» томонидан муассасага бириктирилган маҳаллаларда кам таъминланган оилалар рўйхати шакллантирилган бўлиб, банкмизм маҳаллаларда аниқланган 11 700 дан зиёд кам таъминланган оилаларга яқиндан ёрдам бериб, уларни тадбиркорлик билан шуғулланишга чорламоқда. Ушбу йўналишда олиб борилган ишлар натижасида шу йилнинг 18 апрель ҳолатига кўра, 1 507 та кам таъминланган оилага жами 4 млрд. 616 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди.

Бугунги кунда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ишлар давом эттирилиб, бундай оилаларга маҳалла фуқаролар йиғини кафилиги остида кредит маблағлари жалб қилинмоқда.

Назира МАВЛОНОВА.

Банк тизимида коррупцияга қарши кураш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Бош прокуратура ҳузурдаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти билан ҳамкорликда банк тизимида коррупцияга қарши курашишга бағишланган семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон банклари Ассоциациясида бўлиб ўтган тадбир «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2752-сонли Қарорига мувофиқ ташкил қилиниб, унда сўз олганлар коррупция жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид қилган ҳолда, жиддий муаммоларни келтириб чиқарувчи, кучли демократик давлат куриш ва уни ривожлантиришга путур етказувчи ўта салбий иллат эканлигини таъкидлаб, Ўзбекистонда унга қарши комплекс чора-тадбирлар кўрилаётганини қайд этдилар.

Хусусан, ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини кучайтириш ва юқори самарадорликка эришиш мақсадида 2017-2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши давлат дастури ишлаб чиқилиб, унинг доирасида Республика идораларо комиссияси ташкил этилди.

— Комиссия таркибидан ўрин олган Бош прокуратура ҳузурдаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амал-

га ошириш, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, суриштирув ўтказиш каби қатор ваколатларга эгадир, — дейди мазкур департамент ходими Азизбек Холмирзаев.

Марказий банк томонидан коррупцияга қарши 2017-2018 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. «Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун талабларини юқори даражада ижро этиш, «Ишонч телефони»га келиб тушаётган мурожаатларни қисқа муддатда кўриб чиқиш, ходимларнинг тизимга доир этика қоидаларига риоя этишини назорат қилиш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказиш шулар сирасига киради.

Семинарда мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва молия органлари томонидан банк-молия соҳасидаги қонунбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, коррупция, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш, нақд пул ва хорижий валюта маблағларининг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Наргиз АХМЕДОВА.

KAPITALBANK

«Капиталбанк» акциядорлик-тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎЗР МБнинг 2014 йил 29 августдаги 69-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Сайилгоҳ кўчаси, 7.

**МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ,
2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)**

	2016 йил	2015 йил (қайта ҳисобланган)	2014 йил (қайта ҳисобланган)
Активлар			
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	474 734 942	360 131 359	134 534 667
Кредит ташкилотларидаги маблағлар	226 140 246	157 443 545	152 626 931
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобварақларидаги мажбурий захиралар	227 455 782	148 246 858	103 534 621
Мижозларга берилган кредитлар	1 318 017 449	788 104 671	651 095 607
Сотиш учун мўлжалланган активлар	9 155 605	-	-
Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион қимматли қозғалар	4 088 656	3 373 990	3 279 153
Ассоциялаштирилган компанияларга инвестициялар	3 323 577	2 114 053	778 650
Асосий воситалар	151 780 050	203 339 634	96 322 107
Номоддий активлар	1 571 904	972 802	797 869
Фойда солиғи бўйича кечиктирилган активлар	1 487 240	-	-
Бошқа активлар	229 970 557	167 100 528	56 283 903
Жами активлар	2 647 726 008	1 830 827 440	1 199 253 508
Мажбуриятлар			
Кредит ташкилотларининг маблағлари	137 917 814	107 026 059	71 858 992
Мижозларнинг маблағлари	2 222 674 899	1 506 006 724	1 023 823 253
Чиқарилган қарз қимматли қозғалар	5 345 781	8 317 260	7 654 301
Молиявий лизинг бўйича мажбуриятлар	19 097 055	917 425	917 425
Кечиктирилган фойда солиғи мажбуриятлари	-	16 445 776	3 078 697
Бошқа қарз маблағлари	15 363 435	-	-
Бошқа мажбуриятлар	11 277 993	9 008 662	5 046 053
Жами мажбуриятлар	2 411 676 977	1 647 721 906	1 112 378 721
Капитал			
Устав капитали	80 331 797	80 331 797	41 631 797
Қўшимча капитал	350 000	350 000	350 000
Асосий воситаларни қайта баҳолаш захираси	37 400 020	50 782 450	-
Тақсимланмаган фойда	117 967 214	51 641 287	44 892 990
Жами капитал	236 049 031	183 105 534	86 874 787
Жами капитал ва мажбуриятлар	2 647 726 008	1 830 827 440	1 199 253 508

**УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ,
31 декабрда яқунланган 2016 йил учун (минг сўмда)**

	2016 йил	2015 йил (қайта ҳисобланган)
Фоишли даромадлар		
Мижозларга кредитлар	168 380 090	118 803 040
Кредит ташкилотларидаги маблағлар	3 886 993	3 512 498
	172 267 083	122 315 538
Фоишли харажатлар		
Мижозлар маблағлари	(75 844 266)	(56 568 619)
Кредит ташкилотларининг маблағлари	(4 550 495)	(5 189 355)
Чиқарилган қарз қимматли қозғалар	(614 408)	(756 916)
Молиявий лизинг бўйича мажбуриятлар	(1 464 861)	(153 000)
Бошқа қарз маблағлар	(943 385)	-
	(83 417 415)	(62 667 890)
Соф фоишли даромадлар	88 849 668	59 647 648
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захира тикланиши/(ташқил этилиши)	(11 176 835)	1 609 447
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захирадан кейинги соф фоишли даромад	77 672 833	61 257 095
Соф воситалик даромадлари	98 698 677	82 984 708
Хорижий валютадаги операциялар бўйича соф даромадлар/(харажатлар):		
– савдо операциялари ва деривативлар	67 267 955	50 707 377
– валютали моддаларни қайта баҳолаш	(51 002 617)	(40 751 741)
Кредитлардан кўрилган дастлабки тан олинган зарар	-	(6 383 113)
Бошқа даромадлар	9 030 392	12 514 535
Бошқа харажатлар	(10 570)	(920 153)
Фоишсиз даромадлар	123 983 837	98 151 613
Ходимлар учун харажатлар	(59 925 912)	(43 776 367)
Амортизация	(14 994 478)	(8 441 891)
Бошқа операция харажатлар	(65 096 636)	(47 914 416)
Захиранинг тикланишидан олинган бошқа даромадлар	958 839	245 961
Фоишсиз харажатлар	(139 058 187)	(99 886 713)
Даромад солиғи тўланганга қадар кўрилган фойда	62 598 483	59 521 995
Фойда солиғи бўйича харажатлар	(24 007 294)	(14 073 698)
Йиллик фойда	38 591 189	45 448 297
Бошқа умумий даромад		
Бошқа умумий даромад, келаси даврда фойда ёки зарар сифатида қайта таснифланмайдигани		
Биноларни қайта баҳолаш	14 156 745	50 782 451
Соф бошқа умумий даромад, келаси даврда фойда ёки зарар сифатида қайта таснифланмайдигани	14 156 745	50 782 451
Бошқа умумий йиллик даромад, солиқларни ҳисобга олмганда		
Жами умумий фойда		
Бошқа умумий даромад	52 747 934	96 230 748

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Ernst & Young» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 5 февралдаги АФ 00628-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2016 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

**ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ,
31 декабрда яқунланган 2016 йил учун (минг сўмда)**

	2016 йил	2015 йил (қайта ҳисобланган)
Операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати		
Солиқ ундирилгунча фойда	62 598 483	59 521 995
Тузатиш киритилган:		
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захира	11 176 835	(1 609 447)
Кредитлардан кўрилган дастлабки тан олинган зарар	-	6 383 113
Захираларни ташқил этиш ва қадрсизланиш бўйича бошқа харажатлар/(даромадлар)	(964 884)	(245 961)
Амортизация	14 994 479	8 441 891
Асосий воситаларнинг сотилишидан кўрилган фойда	(599 857)	(856 478)
Хорижий валюта операциялари бўйича валютали моддаларни қайта баҳолашдан тушган даромад	46 099 347	40 277 825
СВОП операцияларидан тушган реализация қилинмаган фойда	(37 188 309)	(34 129 221)
Бошқа қарз маблағлари	943 385	-
Бошқа тушумлар	9 546 586	(7 376 694)
Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан олдинги операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати	106 606 065	70 407 023
Операцион активларнинг соф кўпайиши/(камайиши)		
Кредит ташкилотларидаги маблағлар	(43 851 318)	15 914 766
Марказий банкдаги мажбурий захиралар	(79 176 283)	(38 520 712)
Мижозларга берилган кредитлар	(522 896 547)	(119 695 837)
Бошқа активлар	(35 049 865)	(10 268 439)
Операцион мажбуриятларнинг соф кўпайиши/(камайиши)		
Кредит ташкилотларининг маблағлари	29 914 003	34 697 231
Мижозларнинг маблағлари	591 675 029	375 932 222
Бошқа мажбуриятлар	66 336	(63 450 505)
Солиқ ундирилгунча бўлган операцион фаолиятдан олинган соф пул оқимлари	47 287 420	265 015 754
Тўланган фойда солиғи	(27 783 564)	(14 863 365)
Операцион фаолиятдан олинган пул маблағларининг соф тушу-ми/(харажати)	19 503 856	250 152 389
Инвестицион фаолиятдан олинган пул маблағлари оқими		
Сотиш учун мавжуд активларни сотиб олиш	(9 155 605)	-
Чиқариб юборилган шўба корхоналардан тушган тушум	52 911 678	-
Асосий воситаларни сотиб олиш	(42 606 697)	(51 003 705)
Номоддий активларни сотиб олиш	(1 046 856)	(579 689)
Асосий воситаларни сотишдан тушган тушум	49 017 463	6 032 315
Номоддий активларни сотишдан тушган тушум	-	28 488
Инвестицион фаолиятдан олинган пул маблағларининг соф харажати	49 119 983	(45 522 591)
Молиявий фаолиятдан олинган пул маблағлари оқими		
Имтиёзли қимматли қозғалар муомалага чиқарилишидан тушган тушум	14 420 050	-
Қарз қимматли қозғалар муомалага чиқарилишидан тушган тушум	-	2 600 000
Қарз қимматли қозғаларнинг сўндирилиши	(2 971 479)	(1 974 082)
Молиявий фаолиятдан олинган пул маблағларининг соф тушу-ми/(харажати)	11 448 571	625 918
Айирбошлаш курслари ўзгаришининг пул маблағлари ва улар эквивалентларига таъсири	34 531 173	20 340 976
Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши	114 603 583	225 596 692
Ҳисобот даври бошидаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари	360 131 359	134 534 667
Ҳисобот даври охиридаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари	474 734 942	360 131 359

**КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ,
31 декабрда яқунланган 2016 йил учун (минг сўмда)**

	Устав капитали	Қўшимча капитал	Асосий воситаларни қайта баҳолаш фонди	Тақсимлан- маган фойда	Жами
2014 йил 31 декабрь ҳолатига (аввалги ҳисоботга мувофиқ)	41 631 797	350 000	-	38 025 451	80 007 248
Киритилган тузатишлар	-	-	-	6 867 539	6 867 539
2014 йил 31 декабрь ҳолатига (қайта ҳисобланган*)	41 631 797	350 000	-	44 892 990	86 874 787
Ўтган йилги даромаднинг капитализацияси	17 200 000	-	-	(17 200 000)	-
Ўтган йилги жами умумий йиллик даромад	-	-	-	45 448 297	45 448 297
Жорий даврдаги даромадларнинг капитализацияси	21 500 000	-	-	(21 500 000)	-
Асосий воситаларни захираси капитализацияси	-	-	50 782 450	-	50 782 450
2015 йил 31 декабрь ҳолатига (қайта ҳисобланган)	80 331 797	350 000	50 782 450	51 641 287	183 105 534
Ҳисобот давридаги фойда	-	-	-	38 591 190	38 591 190
Ҳисобот давридаги бошқа умумий даромад	-	-	14 156 745	-	14 156 745
Ҳисобот давридаги жами умумий даромад	-	-	14 156 745	38 591 190	52 747 935
Бинолар амортизацияси кўчирилиши	-	-	(2 760 070)	2 760 070	-
Асосий воситаларни қайта баҳолаш захирасининг кўчирилиши	-	-	(24 779 105)	24 779 105	-
Шўба корхоналарнинг чиқариб юборилиши	-	-	-	195 562	195 562
2016 йил 31 декабрь ҳолатига	80 331 797	350 000	37 400 020	117 967 214	236 049 031

Банк тизимини янада барқарорлаштириш истиқболлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айниқса, кейинги йилларда молия муассасаларининг кредит портфели ички манбалар ҳисобидан шаклланаётгани (17 йилда 46 фоиздан 87 фоизга ўсди), хорижий кредит линиялари улуши 2000 йилга нисбатан 54 фоиздан 13 фоизга камайгани, депозитлар таркибида аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектлар бўш пул маблағлари улуши, кредит портфелидаги узоқ муддатли кредитлар салмоғи ортаётгани қувонарли ҳолдир.

Конференцияда «Ўзбекистонда банк назорати: уни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш», «Ички аудитнинг профессионал фаолиятдаги (жумладан, банк тизимидаги) халқаро асослари», «Ўзбекистон Респуб-

ллик юритаётган банк мисолида тақдимот ҳавола этдим, — дейди **«УТВАНК» акциядорлик жамияти газначилик бошқармаси бошлиғи Искандар Тожиев.** — Унда молия муассасаларининг барқарорлиги уларнинг капитали етарлиги, активлари сифати, даромадлиги ва рентабеллиги, ликвидлиги ҳамда бозордаги рискларга нисбатан чидамлилиги каби муҳим мезонлар асосида шаклланишини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кўрсатиб беришга ҳаракат қилдим.


Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, молия-банк тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самарадорлиги, энг аввало, бугунги то-

тириш жараёнида фаол иштирок этиб, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, уларнинг молиявий воситачилик роли ва инвестицион фаоллигини ошириш, чакана хизматларини модернизациялаш каби долзарб йўналишлар бўйича докторлик илмий тадқиқот ишлари, давлат гранти лойиҳалари ҳамда ҳамкорлик шартномалари асосида қатор тадқиқотларни амалга оширмоқдалар.

Конференцияда манфаддор вазирлик ва идоралар, банк-молия муассасалари раҳбар ходимлари, амалиётчи мутахассислар, эксперт-таҳлилчилар, шунингдек, олий ўқув юртлири педагог-ходимлари, илмий марказларнинг экспертлари ҳамда мустақил тадқиқотчилар то-

«Туронбанк»: ходимлар учун махсус семинар

Пойтахтимиздаги «Ramada» меҳмонхонасида «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан «Банкда ижро интизомига амал қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизими ҳамда филиал ва мини-банкларда жорий ва капитал таъмирлашни амалга ошириш» мавзусида амалий семинар ўтказилди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Республикаси товар-хонашў биржаси вакиллари, «Туронбанк» АТБ раҳбар ходимлари ва мутахассислари, филиал(МАБ)-ларда ишонч телефони ва респондентга бириктирилган ходимлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки масъул ходими Президентимизнинг йил якунлари бўйича маърузаларида таъкидлаган танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарнинг кундалик қоидаси бўлиб қолиши кераклигига алоҳида эътибор қаратиб ўтди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сонли қарори ижроси доирасида белгиланган давлат бошқарув органлари ва вазирликларга ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Шу билан бирга, амалий се-

минарда Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтилди. Банкларда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ҳолати, бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар, уларни бартараф этиш ҳамда аҳамият қаратилиши зарур бўлган бошқа жиҳатлар хусусида сўз юритилди.

Семинар якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Сирасини айтганда, бу каби амалий семинарлар банкда ижро интизомини янада кучайтиришда раҳбарлардан тортиб, оддий ходимнинг шахсий масъулиятини ҳам белгилаб беришда, мутахассисларнинг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш соҳасидаги билимлари ортишида ҳамда уларнинг бу борадаги фаолиятларида камчилик ва хатоликлар келиб чиқишининг олди олинишида муҳим аҳамият касб этади.

Бекзод АКРОМОВ.



ликаси банк тизимида Базель кўмитасининг банк назорати бўйича тавсияларини қабул қилиш истиқболлари» каби мавзуларда чиқишлар қилинди.

— Тадбирда тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, уларни баҳолаш ва ошириш йўллари юзасидан ўзим фаолият

нинг талабларига жавоб берадиган, замонавий билимларни эгаллаган, Ватанга садоқат руҳида тарбияланган кадрлар салоҳияти билан боғлиқдир. Бугунги кунда Тошкент молия институти илмий тадқиқотчилари, ёш олимлари ва талабалари мамлакатимиз банк тизимини янада такомиллаш-



Гулшан ЮСУПОВА.

монидан қилинган муҳокамалар натижасида Ўзбекистон банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш ҳамда инвестицион фаоллигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

БАНК ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ходимлари учун 2017 йил июнь ойида ташкил этилаётган ўқув курслари ва семинарлар жадвали

№	Ўқув курсининг номи	Ўқув курслари ўтказилиш муддати		
		5 июндан 10 июнгача	12 июндан 17 июнгача	19 июндан 24 июнгача
1	Тижорат банкнинг активлари ва пасивларини бошқариш	ТМИ		
2	Банкларнинг валюта билан боғлиқ операциялари ва уларнинг ҳисобини юритиш		ТМИ	
3	Тижорат банкларининг солиққа тортилиши ва уларнинг ҳисобини юритиш			ТМИ
4	Тижорат банклари филиаллари ва бўлимлари бошқарувчилари учун кенгайтирилган ўқув машғулоти		БМА	
5	Тижорат банклари филиаллари ва бўлимлари бош ҳисобчилари учун кенгайтирилган ўқув машғулоти: қонунчиликдаги ўзгаришлар, янгиланишлар ва тажриба			БМА
6	Замонавий банк иши ва Базель III тавсиялари	БМА		
7	Пластик карталардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз амалиётлар сифатини ошириш ва қўламини кенгайтириш			БМА
8	Мижозлар билан самарали ишлаш банк рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омиллари		ХМИРМ-ў	
9	Тижорат банкларида кредит скоринги			ТДИУ
10	Банк ишида халқаро меъёрлар		ТСМРИ	

Тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда бухгалтерия ҳисоби

Маълумки, кредит фаолияти барча манфаатдор тарафларга реал фойда келтиради. Қарз олувчилар маълум бир муддатга ўзларининг тижорат, ишлаб чиқариш ва бошқа шу каби манфаатларига етишиши мақсадида йирик пул капиталидан фойдаланиш имконига эга бўлади. Кредиторлар эса фозиз кўринишида даромад олади. Бундан ташқари, кредит фаолияти ишлаб чиқаришга инвестициянинг кириб келишини рағбатлантиради, прогрессив таркибий силжишларга туртки бўлади.

Молиявий ресурсларнинг асосий таъминотчиси банк тизими ҳисобланади.

Шундай бир шароитда банкларнинг инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёни бевосита банкларнинг бухгалтерия ўтказмалари бир вақтнинг ўзида икки томонлама, яъни кредитор ва қарздорнинг (юримдик шахс бўлганда) баланс ҳисобварақларида акс эттирилади. Натижада кредитор ва қарздор ўртасида бухгалтерия ҳисобининг турлича юритилишида қатор муаммолар юзага келиши мумкин.

Жумладан, йирик объектларни молиялаштириш мақсадида бир неча тижорат банкларининг ихтиёридаги вақтинчалик бўш пул маблағларини бирлаштириш орқали синдициялашган кредитлашни амалга ошириш механизми бутун дунёда, жумладан, республикамизда ҳам жорий қилинган. Амалдаги меърий ҳужжатда синдициялаштирилган кредит – бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлаш мазмунида келтирилган. Бундан ташқари, йирик инвестиция лойиҳаси – умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳаси тушуналиши таъкидланган.

Бироқ синдициялаштирилган кре-

дит ҳозирги кунда банкларда бозор талабларига мос келувчи хизмат турларини татбиқ қилиш, мижозларнинг талаб ва таклифларини ҳисобга олиш, уларга хизмат кўрсатишнинг янги усулларини жорий этиш, янги кредит воситаларини қўллаш, турли кредит институтларини ташкил этиш билан боғлиқ ислохотларни янада жадаллаштириш зарурияти юзага келмоқда.



дит молиялаштирилиши фақат битта йирик инвестиция лойиҳа доирасида ёки улар томонидан битта мижозга бериладиган инвестицион лойиҳа бўйича амалга оширилишига аниқлик киритиш лозим.

Шунингдек, ўз номи билан бир йирик инвестицион лойиҳани икки ва ундан ортиқ қарздорлар доирасида амалга оширилишида синдициялаштирилган кредитнинг бухгалтерия ҳисоби амалга оширилиши бўйича ҳам аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас.

Бундан ташқари, етакчи банк ташаббуси билан иштирокчи банклар биргаликда йирик инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга эришади. Орадан маълум вақт ўтиб, кредитнинг қайтариш муддатидан олдин иштирокчи ёки етакчи банк маълум сабабларга (жумладан, банк фаолияти тугатилиши) кўра, ўз улушининг бошқа банкка ўтказилиши жара-

ёни банк бухгалтериясида акс эттирилишида бир қанча қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Хусусан:

– Етакчи ёки иштирокчи тижорат банклари ўзгариши натижасида қайта шартнома тузилиши «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захираны шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби» бўйича таснифланганда, унга талаб қилинадиган эҳтимолий йўқотишлар захирасини шакллантиришнинг ўзи бошқа банкларнинг фаолиятига жиддий салбий таъсир ўтказиши мумкин.

– Бошқа тижорат банкига қайта расмиёлаштиришда йирик инвестицион лойиҳаси бўйича муаммоли кредит ва фозилар юзага келган ҳолатда, уни муддатли ёки муаммоли актив сифа-

тида шартномада ҳамда кредит ссуда картасида акс эттирилиши борасида масъул ижрочиларда бир қанча ечимини кутаётган саволлар юзага келиши мумкин.

Синдициялашган йирик инвестиция лойиҳаси чет эл валютасида олинган ҳамда лойиҳа молиялаштирилган сўнг кескин валюта курсининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарнинг тан олинishi кредиторлар ва қарздорлар ўртасида қандай амалга оширилиши ва банк(қорхона) бухгалтериясида акс эттирилиши тартиби ҳам юзага келиши мумкин бўлган муаммолар сифатида характерланади.

Йирик инвестиция лойиҳаси бўйича синдициялашган шартномаси тузилди, бироқ ушбу молиялаштириладиган пул маблағлари тўлиқ ажратилмади. Мазкур ҳолатда қарздор олдидаги жавобгарлик қимда (етақчи ёки иштирокчи) бўлади? Қарздор томонидан асосли кўрсатмасига биноан тўлиқ молиялаштирилмади. Ушбу ҳолатда етакчи ва иштирокчи банклар томонидан график мажбурияти бўйича тўланиши мониторингини қандай тартибда амалга оширилади?

Йирик инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш иқтисодиётнинг юксалишига олиб келади.

Хулоса ўрнида айтганда, халқаро амалиётда бир мижозга бериладиган кредит бўйича кредит рискин камайтириш мақсадида синдициялашган кредитлашдан фойдаланилмоқда. Республикамызда ҳам синдицияли кредитлаш тизимини янада кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Собир ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Кредит ахбороти миллий
институтини шўъба мудири.

Бухорода Хитой билан ҳамкорликда бешта қўшма қорхона

Президентимиз раҳнамолигида чет эл инвестицияларини жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали импорт ўрнини босувчи рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратиладиган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда.

Бухоро вилоятида Хитой билан ҳамкорликда 5 қўшма қорхона фаолият кўрсатмоқда.

«Бухоро бриллиант силк» қорхонасида пиллани қайта ишлаб тайёрланаётган ипак тола калаваси жаҳон бозорига хариддоригир. Маҳсулотнинг асосий қисми хорижлик буюртмачиларга жўнатилмоқда. Ўтган йили Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Вьетнам мамлакатларига 2,5 млн. долларлик ипак тола экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 3,5 млн. долларга етказиш режалаштирилган.

Замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган қорхонада қайта ишланган турли ўлчама, кўриниш ва рангдаги матолар буюртмачи таклифи ва бозор талабига асосида тайёрланмоқда. «Баҳор», «Ёмғир», «Юлдузлар» каби ўнлаб кўринишдаги матоларга босилган гулларнинг ўзига хослиги шундаки, уларнинг ранги ўчмайди, сув ва қуёш нурига чидамли. Матолар экологик тоза, ҳар қандай иқлимга мос.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 10 март куни Бухоро вилоятига қилган ташрифи давомида аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратишга қаратилган бир қанча лойиҳалар билан танишиб, «Бухоро бриллиант силк» Ўзбекистон – Хитой қўшма қорхонасида ҳам бўлди. Бу ерда ишлаб

чиқариладиган маҳсулотлар билан танишар экан, бундай қорхоналарни кўпайтириш зарурлиги ҳамда соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш лозимлигини таъкидлади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш бўйича тавсиялар берди.

– Биз Президентимиз кўрсатмаси асосида мато ишлаб чиқариш цехини янада кенгайтириш режасини амалга оширишга киришдик, – дейди «Бухоро бриллиант силк» қўшма қорхонаси директори ўринбосари М.Қодиров. – «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Бухоро вилояти филиали томонидан ажратиладиган 8 млн. доллар миқдоридagi кредит учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Бу маблағ ҳисобига цехимизда хориждан келтириладиган унумдорлиги юқори 10 замонавий тўқув дастгоҳи ҳамда матони пардозлаш ва бўяш ускуналари ўрнатилади. Лойиҳа тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни 2 баробар оширишни кўзда тутди. Бу нафақат ички бозорни, шу билан бирга, хорижлик буюртмачилар эҳтиёжини ҳам қондириш имконини беради. Шунингдек, бу ерда йирик тикувчилик цехи ташкил этилади. Бу яна кўплаб иш ўринлари яратилади, экспорт салоҳияти янада ошади, демакдир.

Вобкент туманидаги кир ювиш воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Баҳор пластик» Ўзбекистон – Хитой қўшма қорхонаси ҳам самарали фаолият юритмоқда.

Қорхона цехлари замонавий жиҳозланган, маҳсулот сифати халқаро стандартларга тўла жавоб беради.

– Ўтган йили умумий қиймати 57 млрд. сўмлик кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилди, – дейди «Баҳор пластик» қўшма қорхонаси ижрочи директори С.Латипов. – Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан тушган буюртмалар ўз вақтида бажарилмоқда. Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларига 293,3 минг долларлик маҳсулот экспорт қилдик.

Қорхона жамоасининг жорий йилги марралари янада юқори. Буюртма портфелига мувофиқ, қорхонада 63 млрд. сўмликдан зиёд кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилади. Чет эллик буюртмачилар билан 2 млн. долларлик шартнома тузилди.

Экспортчи субъектларга давлатимиз томонидан берилётган солиқ ва божхона имтиёзлари уларга айланма маблағини кўпайтириш имконини бераётди. Бу эса ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, энг муҳими, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Уларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- доривор ўсимликлар хомашёсини ўзига хос табиий шароитларда етиштириш ва кейинчалик қайта ишлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

- юқори қўшилган қийматли замонавий фармацевтика маҳсулотлари ва дори воситаларини ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда, белгиланган тартибда ташкил этилган плантацияларда етиштирилган доривор моддалар (субстанциялар) ҳамда доривор ўсимликлар хомашёсини негизда ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

- доривор ўсимликлар хомашёсини қайта ишлаш ва дори воситалари, тиббиёт буюмлари, ёрдамчи

Ўзбекистонда 7 та янги эркин иқтисодий зона ташкил этилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги фармонида кўра «Нукус-фарм» ЭИЗ, «Зомин-фарм» ЭИЗ, «Косонсой-фарм» ЭИЗ, «Сирдарё-фарм» ЭИЗ, «Бойсун-фарм» ЭИЗ, «Бўстонлик-фарм» ЭИЗ, «Паркент-фарм» ЭИЗ ташкил этилмоқда.

ва қадоқлаш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги замонавий ишлаб чиқариш ва қувватларни ташкил этиш;

- мустақам кооперация алоқаларини ўрнатиш ва эркин иқтисодий зоналар ташкилотлари ҳамда республикамизнинг бошқа корхоналари ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёсини ва материаллари негизда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

- доривор ўсимликлар хомашёсини интродукция ва культивациясини ўрганиш бўйича тажриба-эксперимен-

тал лабораториялари бўлган илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиш.

ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати, кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади. Ушбу ҳудудларда алоҳида солиқ, божхона ва валюта режимлари амал қилади.

Янги ташкил этилган ЭИЗ иштирокчиларига Президентимизнинг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган имтиёзлар татбиқ этилади.

Бундан ташқари, доривор ўсимликлар хомашёсини етиштириш бўйича плантациялар ташкил этиш учун

ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фермер ҳўжаликларига тижорат банкларининг кредитлари ажратилади, гаров таъминоти етарли бўлмаган ёки мавжуд бўлмаган ҳолларда технологик ускуналар лизинг асосида етказиб берилади.

ЭИЗ ҳудудларида ёввойи ўсимликлардан тайёр фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга оширган ёки ЭИЗ иштирокчилари билан тузилган шартномалари бўлган ташкилотлар ва жисмоний шахслар «Қизил китоб»га киритилмаган ҳамда ҳар йили Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар рўйхатига киритилган ёввойи ўсадиган ўсимликлар тайёрлагани (тўплагани) учун ундириладиган йўғимни табиий муҳитдан олинган ёввойи ўсимликлар (яланғоч қизилмиядан ташқари)га белгиланган тўловларнинг 50 фоизи миқдоридан тўлайдилар.

Лицейлар битирувчиларига мутахассислик берилганлиги тўғрисида сертификат тақдим этилади

Президентимизнинг 2017 йил 2 майдаги ПҚ-2941-сонли қарори билан 2017/2018 ўқув йилида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталари тасдиқланди.

Худудий бандлик тузилмаларини, меҳнат бозоридан ишчи кучига талаб ва таклифнинг мувозанатини танқидий таҳлил қилиш асосида, шунингдек, академик лицейлар босқичма-босқич касб-хунар коллежларига айлантирилишини инобатга олиб, келажатдаги ўқув йилига қатор ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари қайта ихтисослаштирилади.

Уларнинг рўйхати билан таълими бериш таклифи таъминланади.

Тасдиқланган қабул қилиш квоталарига биноан 2017/2018 ўқув йилида мамлакатимизнинг академик лицейлари ва касб-хунар коллежлари умумтаълим мактабларининг 467 019 нафар битирувчиларини қабул қилади. Шу тариқа, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари республикамиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишга тўлиқ қамраб олинади.

Қабул қилишнинг умумий параметрлари, шунингдек, ҳудудлар кесимида қабул қилиш квоталарини юқлаб олиш.



Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 251-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида низом»га ўзгартиришлар киритилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида гуруҳларни тўлдирish қуйидагича табақаланди: академик лицейларда – 26 нафаргача, касб-хунар коллежларида – 30 нафаргача ўқувчилар доирасида.

Шунингдек, академик лицейлар битирувчиларига диплом

билан биргаликда махсус чуқурлаштирилган тайёрликни талаб этмайдиган мутахассислик бўйича давлат намунасидаги сертификат берилиши белгиланди. Мазкур ҳужжат лицей ёки коллежни тамомлаганлик тўғрисидаги диплом билан бир қаторда ОТМга ўқишга кириш ёки ишга жойлашиш ҳуқуқини беради.

Эслатиб ўтаёмиз, бундай мутахассисликлар рўйхати Президентимизнинг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2829-сонли қарори билан тасдиқланган.

14 та туманда газ таъминотининг хусусий операторлари пайдо бўлади

Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелда «Газ таъминоти тизимида бозор механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

Тажриба лойиҳалари сифатида жорий йилнинг июнь ойида газ таъминотининг туман (шаҳар) филиалларига ёки уларнинг участкаларига бириктирилган газ таъминоти объектлари танловлар ўтказиш натижаларига кўра хусусий операторларга ишончли бошқарувга топширилади.

Натижада хусусий операторлар газ тақсимлаш тармоқларидан фойдаланиш ва табиий газ сотиш функцияларини амалга оширади. Бунда воситачилик мукофоти сотилиш табиий газ қийматининг 21 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил қилади (аниқ миқдорни танлов комиссияси ўрнатади).

Ушбу босқичда Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва пойтахтда биттадан топширилиши лозим бўлган 14 та объектдан иборат рўйхат белгиланди.

Қуйидаги шартлар мавжуд:

- хусусий операторлар ходимлар сонидан қатъи назар, ЯСТ тўловчилари ҳисобланади;

- табиий ва суюлтирилган газни сотишдан тушадиган маблағлар бевосита

«Ўзтрансгаз» АКнинг ҳисоб-варақларига туширилади;

- хусусий операторлар табиий газ сотиш ишончли бошқарув шартномалари асосида табиий газ сотиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия олмасдан, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Бу муҳим! 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб, етказиб берилган табиий газ учун қарзи бўлиб, тармоқдан узиб қўйилган истеъмолчилар газ таъминоти тармоқларига қайта ураниши учун ЭКИХнинг 2 баробари миқдоридан тўлов ундирилади.

Бундан ташқари, шу йилнинг 1 октябрдан бошлаб ҳисоблаш ускуналари бўлмаган маиший истеъмолчилар табиий газ учун тариф миқдорининг икки баробари миқдоридан ҳақ тўлайдилар. Бунда замонавий электрон ускуналарни харид қилиш ва ўрнатиш «Ўзтрансгаз» АКнинг ҳисобидан амалга оширилади, кейинчалик уларнинг қийматини маиший истеъмолчилар 1 йил ичида тўлайдилар.

«Ўзбекинвест»: фаолият самараси

Стратегик фаолиятига кўра, маҳаллий экспортчиларнинг мулкий манфаатларини суғуртавий химоялаб келаётган «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу йўналиш бўйича 174 млрд. сўм ҳажмидаги суғурта мажбуриятларини олди.



Шунингдек, компания мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган бир пайтда соҳа субъектларига ҳам кенг қўламли суғурта хизматларини тақдим этиб, ҳисобот даврида улардан йиғилган 1,36 млрд. сўм ҳажмидаги суғурта мукофотлари ҳисобига 792,9 млрд. сўмлик шахсий ва мулкий манфаатларини суғуртавий химоялаш мажбуриятини олди. Бундай корхоналарнинг экспорт шартномаларини суғурталаш бўйича қабул қилган мажбуриятлари 117,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўтган даврдагидек, компанияда мажбурий турдаги суғурта хизматлари бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси сермахсул бўлди. Чунончи, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича йиғилган суғурта мукофотлари 1,7 млрд. сўмни (ўсиш 145 фоиз), тўланган суғурта қопламалари ҳажми эса, 185,3 млн. сўмни ташкил этди.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш йўналишида 1,5 млрд. сўмлик (ўсиш 148 фоиз) суғурта мукофотлари йиғилиб, мижозларга 985,6 млн. сўмлик суғурта қопламалари тўлаб берилди.

Нисбатан янги суғурта тури бўлган ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш доирасида ҳам компанияда шартномалар сони тобора ортмоқда. Биринчи чорада суғуртанинг ушбу тури бўйича тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми 174,3 млн. сўмни ташкил қилди.

«Ўзбекинвест» компанияси хизматлари турини кўпайтириш, аҳоли учун янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатишда янгиликлар жорий қилиш юзасидан изланишлари давом эттирмоқда. Ҳисобот даврида юридик ва жисмоний шахсларнинг маданий бойликларини суғурта қилиш бўйича ҳужжатлар пакети, шунингдек, юри-

дик шахслар учун транспорт воситасида ўрнатилган газбаллон ускунасини суғурталаш бўйича шартнома ишлаб чиқди. Мижозлар талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда намунавий суғурта шартномаларининг 18 тасига ўзгартиришлар (индоссамент) киритиб, 45 та шартномани янгилади. Худудий хизмат кўрсатиш тармоқларини кўпайтириб, улар сонини 161 тага етказди.

Бир сўз билан айтганда, компания фаолиятида жорий йил I чорагида ҳам унумдорлик акс этди. Муассаса томонидан жами йиғилган суғурта мукофотлари 22,6 млрд. сўмни, олинган суғурта мажбуриятлари 17,5 трлн. сўмни, аҳоли, корхона, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тўланган суғурта қопламалари эса 3,8 млрд. сўмни ташкил этди. Шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар билан жами 43 мингдан ортик суғурта шартномалари имзоланди. Шу йилги Инвестиция дастурига киритилган 38 та лойиҳага умумий қиймати 8,8 трлн. сўм суғурта ҳимояси тақдим этилди.

«Ўзбекинвест» ЭИМСК ўз ютуқларини жамоавий тарзда ходимларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижаси деб билади. Шу боис ҳар йили компания ўз фаолиятини сарҳисоб қилганда ўша даврда катта ташаббус кўрсатган тизимдаги филиаллар, бўлимлар ва андеррайтерлар фаолиятини рағбатлантириб келади. Хусусан, компаниянинг 2016 йилги фаолияти якунларига кўра, «Энг яхши худудий филиал» деб муассасанинг Тошкент вилояти филиали, «Энг яхши бўлим» сифатида эса, Бухоро вилояти филиали негиздаги Когон туман бўлими, «Энг яхши янги бўлим» совриндори Чироқчи туман бўлими қайд этилди. «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг энг яхши андеррайтери» Самарқанд вилояти филиали менежер Санжар Тоштемировга насиб этди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Инвестициялар ҳажми ортди

Жорий йилнинг биринчи чорагида «Ўзбекинвест ҳаёт» МЧЖ суғурта компанияси инвестициялари ҳажми 162,7 фоизга ўсди.

Ҳаёт ва саломатликни суғурталашга ихтисослашган «Ўзбекинвест ҳаёт» мамлакатимиз инвестиция жараёнларида ҳам фаол қатнашмоқда. Муассасанинг ушбу йўналишда олиб борган чора-тадбирлари натижасида шу йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, инвестициялари ҳажми 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 162,7 фоизга ўсди.

Бунда компания инвестиция портфели таркибида депозит қўйилмалари – 50,3 фоиз, турли қимматли қозғаларга қўйилмалар – 40,6 фоиз, инвестициянинг бошқа манбалари – 9,1 фоиз кўринишида акс этди. Ҳисобот даврида активларнинг

ўсиши 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 161,5 фоизни ташкил қилди.

Активларнинг оптималлашувига ёрдам берувчи инвестицион фаолиятдан ташқари компания, шунингдек, қабул қилинган мажбуриятларни мувозаналаш мақсадида қайта суғурталаш операцияларини ҳам амалга оширмоқда.

Айтиш жоиз, пухта йўлга қўйилган суғурта, инвестицион ва қайта суғурталаш фаолияти «Ўзбекинвест ҳаёт» МЧЖга ўз мижозлари олдида келишув шартларини вақтида бажаришга имкониёт бермоқда.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Аҳоли суғуртасини ривожлантириш йўлида

«Ўзгросуғурта» акциядорлик жамияти томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини кўпайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида қарийб 673 минг дона суғурта шартномалари расмийлаштирилди.

Суғурта химоясига олинган барча объектлар бўйича мажбуриятлар 12,2 трлн. сўмдан зиёдни ташкил этди.

Шунингдек, суғурта мукофотлари 34,7 млрд. сўмни, жумладан, мажбурий суғурта турлари бўйича 21,6 млрд. сўм ва ихтиёрий суғурта турлари доирасида 13,1 млрд. сўм миқдорда суғурта мукофотлари таъминланди.

Компаниянинг суғурта товонларини ўз вақтида тўлаши, бу борада имкониётлари, Ўзбекистон суғурта бозорида тўловга мақбул суғуртачи эканлиги сўнги йиллар давомида «Ahbor Reytinq» миллий рейтинг агентлиги томонидан эътироф этиб келинмоқда. Ҳисобот даврида ҳам жамият келиб тушган аризалар (жами 5 258 дона) бўйича ўз вақтида чора-тадбирларни олиб бориб, аниқланган суғурта ҳодисаси доирасида 42,1 млрд. сўмлик суғурта тўловларини тўлади. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 499,8 фоиздан ошди. Шундан мажбурий суғурта турлари бўйича 2,7 млрд. сўм, ихтиёрий суғурта турлари бўйича 39,4 млрд. сўм, қишлоқ ҳўжалиги суғуртаси бўйича 38,2 млрд. сўм суғурта тўловлари амалга оширилди.

Маълумки, республикада иқтисодиётида аграр соҳанинг улиши салмоқли ўрин эгаллайди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча худудларида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, деҳқончилик ва боғдорчиликни ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар

олиб борилмоқда. Тармоқ йўналишларини турли ҳодисалардан химоялаб, улар унумдорлигини таъминлаш жамият олдидаги устувор вазифалардан саналади. Шу боис компания суғурта маҳсулотлари таркибида қишлоқ ҳўжалигини ҳар томонлама суғурталашга оид хизматлар катта ўрин эгаллайди. Қишлоқ ҳўжалиги

Биринчи чорак давомида «Ўзгросуғурта» АЖ томонидан кенг омма ўртасида суғурта маданиятини ошириш, суғурта хизматлари моҳиятини кенг тарғиб қилиш, аҳолининг суғуртага бўлган ишончини ошириш мақсадида олиб борилаётган аниқ чора-тадбирлар янада фаоллаштирилди. Бу борада омма-



корхоналарининг бўлғуси пахта экинидан кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарни суғурталаш ва айтиш шундай корхоналарга тижорат банклари томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар қайтарилиши бўйича тадбиркорлик хавфи (тавақалчиликларни) суғурталаш бўйича жорий йилнинг уч ойи давомида 37,1 млрд. сўмдан ортик суғурта товонлари тўлаб берилди.

Қишлоқларда аҳоли суғуртаси бўйича кўрсатилган хизматлар натижасида 630 мингдан зиёд суғурта шартномалари бўйича 2 млрд. сўмдан ортик суғурта товонлари тўланиб, аҳолининг мулкий манфаатлари химоя этилди.

Жорий йилда «Ўзгросуғурта» компаниясининг режали фаолияти Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан мол-мулк, аҳоли ҳамда оилавий суғуртани ривожлантиришга қаратилган. Айтиш жоиз, янги суғурта турларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёни давом этмоқда.

Назира МАВЛОНОВА.



Саноатда ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг инновацион ечимлари

Пойтахтимизда X Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси бўлиб ўтди.



Жорий йилда мазкур анжуманда таклиф этилган илмий ишланмалар аҳоли ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжини кенг қамраб олди. Унда фермер хўжаликлари, саноат корхоналари ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан технология ва ишланмалар муаллифлари ўртасида умумий қиймати 22 млрд. сўмдан зиёд 350 дан ортиқ шартнома имзоланди.

Умуман, бугунги кунга қадар ўтказилган ярмаркалар доирасида 4 минг 200 га яқин инновацион ғоя ва технология намойиш этилиб, умумий ҳажми 144 млрд. 100 млн. сўм бўлган 4 мингдан ортиқ шартнома имзоланган. Натижада қарийб 2 трлн. 200 млрд. сўмга яқин 62 номдаги янги

серияли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, юзлаб корхона, фермер хўжалиги ва тадбиркорлик субъектларига илмий ва амалий хизматлар кўрсатилмоқда.

Жорий йилги ярмаркада саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари ва фан-таълим соҳалари учун 500 дан ортиқ инновацион ғоя, технология ва лойиҳа намойиш этилди. Унда вазирилик ва идоралар, банк-молия соҳаси, тармоқ корхоналари, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари вакиллари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлар ҳамда бошқа иштирокчилар фаол қатнашди. Улар орасида Самарқанд давлат ар-

хитектура-қурилиш институти талабаси Баҳодир Солиев ҳам бор.

– Юртимиз иқлим шароити муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш имконини беради. Биз ўз изланишларимизни мазкур йўналишда олиб бориб, иссиқлик сақловчи пенобетон яратдик, – дейди Б.Солиев. – У оддий қурилиш бетонига нисбатан 7 баравар енгил. Уйларнинг ташқи, ажратувчи деворлари ҳамда пол қисмига қўлланилади. Шовқин, иссиқ ва совуқ ҳавони ўтказмайди.

Ярмарка доирасида ташкил этилган III Тошкент халқаро инновацион форумида Германия, Болгария, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия каби давлатлар, Жаҳон банки, Британия Кенгагининг

Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутахассислари ва экспертлари иштирок этди. Унда қатнашчилар дунёда инновация тизимларининг ривожланиш тенденциялари, инновация фаолиятининг ривожланиш ҳолати, муаммолари ва истиқболларини муҳокама қилдилар. Бундан кўзланган мақсад миллий инновация тизимини шакллантириш, бунда турли омилларнинг ўрнини аниқлаш ҳамда Ўзбекистонни инновацион фаоллиги юқори бўлган ҳудудга айлантиришга кўмаклашидан иборатдир.

Тадбирда таъкидланганидек, X Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси иқтисодиётимизнинг барча тармоқларини инновацион ривожлантириш, мамлака-

тимизнинг илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Форум якунида қатор номинациялар бўйича голиб ва совриндорлар тақдирланди.

– «Ўзбекистонда цитрус мевалари етиштиришнинг жадаллашган усули» мазмунидаги ишланмамиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг яхши лойиҳа деб топилди, – дейди Тошкент аграр университети вакили Нуриддин Фахриддинов. – Бунда замонaviй технология асосида лимон, лайм, апельсин каби маҳсулотларнинг кўчатларини янги усулда етиштириш кўзда тутилган. Унга кўра, биргина лимон кўчатининг 6 ойда бир ёшга тўлиши белгиланган.

Гулшан ЮСУПОВА.

Мамлакатимизда замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари

Миллий матбуот марказида «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти фаолиятига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда «Ўзагротехмаш», «Ўзагролизинг» ҳамда «Ўзагросервис» акциядорлик жамиятларидан ҳам вакиллар иштирок этди.

Тадбирда республикамизда қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқ ягона тизimini ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги техникасини сотиш ва сервис хизмати кўрсатиш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларга механизациялаштирилган хизматлар кўрсатиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари, сервис корхоналари ва машина-трактор паркларини янада модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, тармоққа тўғридан-тўғри инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини кенг жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берилди.

Маълумки, Президентимизнинг 2016 йил 17 ноябрдаги «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 4857-сонли Фармонида мувофиқ, мазкур жамият таркибига «Ўзагротехмаш», «Ўзагролизинг» ҳамда «Ўзагросервис» акциядорлик жамиятлари киритилди.

Бугунги кунда мазкур жамият ва унинг негизидаги корхоналар томонидан аниқ йўналиш ва мақсадларни амалга ошириш юзасидан тегишли чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Унга кўра, жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида тизим корхоналари томонидан 80,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жумладан, «Ўзагротехмаш» акциядорлик жамияти корхоналарида жами 72,6 млрд. сўмлик, «Ўзагросервис» АЖ томонидан эса, 7,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, «Ўзагролизинг» АЖ томонидан жами 60,8 млрд. сўмлик 2 380 донга техника ва агрегатлар лизинг асосида етказиб берилди.

– Лизинг шартлари кичик бизнес субъектлари, жумладан, фермерлар учун жуда қулай тарзда тақдим этилмоқда, – дейди «Ўзагролизинг» АЖ молия бўлими бошлиги Элмурод Қўлдошев. – Ун йилгача бўлган муддатта тақдим этилаётган молиявий хизматларимиз учун йиллик устама Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида бел-



гиланган. Лизинг ҳужжатларини расмийлаштириш ва уни бериш муддати ҳам қисқартирилган тартибда амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда акциядорлик жамияти қарийб 128 млн. долларлик инвестицион лойиҳаларни амалга оширмоқда. Икки босқичдан иборат «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ, «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи», «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ корхоналарида ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизматини кўрсатишнинг интеграциялашган тизимини яратиш» шулар сирасидандир.


Айни пайтда янги техника турларини ўзлаштириш бўйича амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида Беларусь Республикасининг «Амкордор» ҳамда «Бобруйск-агротехмаш» АЖлари, Жанубий Корейнинг «LS Mtron» компанияси, Россия Федерациясининг «Ростсельмаш» акциядорлик жамияти, Франциянинг «KUNN S.A.» компанияси билан ҳамкорликда бешта қўшма корхона ташкил этилиб, 30 дан зиёд турдаги янги техникаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Ушбу техникалар тежамкорликда, қишлоқ хўжалигидаги ишларни қисқа муддатда ва сифатли бажариши, ортиқча харажатларнинг олдини олиши билан ажралиб туради.

Эъзоз КАМОЛОВА.


ЎзРТХБда сотувга қўйилган товарларнинг ҳафталик ўртача мақбул нархи

	06-10.03. 2017 йил	13-17.03. 2017 йил	18-24.03. 2017 йил	27-31.03. 2017 йил	03-07.04. 2017 йил	10-14.04. 2017 йил	17-21.04. 2017 йил	24-28.04. 2017 йил	01-05.05. 2017 йил
Пахта ёғи, сўм/тн	3 689 436	3 689 436	3 689 436	3 689 436	3 689 436	3 689 436	3 689 436	3 689 436	3 689 436
Бўғдой уни олий нав, сўм/тн	1 277 040	1 283 835	1 260 407	1 273 802	1 238 790	1 288 339	1 286 300	1 253 676	1 238 790
Бўғдой уни биринчи нав, сўм/тн	887 501	888 949	886 196	879 499	885 992	888 636	891 477	882 952	876 000
Бўғдой (ем учун), 4-класс	739 440	731 057	744 648	735 256	735 256	735 256	735 256	721 017	721 017
Бўғдой (ем учун), 5-класс	692 165	695 111	689 527	684 354	692 700	692 700	699 600	694 050	699 748
Шакар, сўм/тн	3 857 070	3 857 070	3 857 070	3 857 070	4 319 910	4 319 910	4 319 910	4 319 910	4 319 910
Бензин АИ-80, сўм/тн	3 798 630	3 802 956	3 881 140	3 832 542	3 794 495	3 875 992	3 799 346	3 854 666	3 823 873
Бензин АИ-91, сўм/тн	5 619 077	4 125 224	4 125 224	4 901 702	5 429 069	4 001 290	6 117 779	5 111 429	4 085 347
Дизель ёнилғиси, сўм/тн	4 133 943	4 145 112	4 121 330	4 372 870	4 374 742	4 247 018	4 184 740	4 344 393	4 395 441
Суялтирилган газ, сўм/тн	1 950 568	1 940 943	1 952 620	1 690 604	1 862 045	2 146 928	1 946 172	1 985 305	1 935 759
Писта ёғи шрот, сўм/тн	600 999	600 999	600 999	600 999	600 999	600 999	1 750 000	1 750 000	1 750 000
Пахта чигити шрот, сўм/тн	995 594	1 000 267	995 428	994 430	993 939	991 639	1 001 741	990 007	990 664
Пахта чигити шелухаси, сўм/тн	493 892	493 091	493 076	493 641	494 391	493 503	494 477	490 837	491 685
Азот-фосфорли ўғит (қопда), сўм/тн	968 940	968 940	968 940	968 940	968 997	968 997	968 997	968 997	968 997
Аммофос 44:10 (уюм ҳолатида), сўм/тн	1 535 919	1 535 919	1 535 919	1 535 919	1 535 919	1 535 919	1 535 919	1 535 919	1 535 919
Кальцийланган сода (қопда), сўм/тн	963 560	964 054	964 030	964 878	965 382	970 412	964 462	964 568	965 111
Аммоний сульфат (уюм ҳолатида), сўм/тн	405 609	406 028	395 685	398 544	395 143	397 946	395 721	395 641	400 853
Арматура (СТ25-35ДС), сўм/тн	6 010 140	5 348 633	5 348 633	5 250 999	6 600 000	5 229 428	5 229 428	4 495 833	4 495 833
Курилиш битуми, сўм/тн	4 600 000	4 600 000	3 026 801	2 383 071	2 778 129	2 504 503	2 343 920	2 729 122	4 353 546
Мис катанкаси, сўм/тн	36 680 424	36 680 424	36 680 424	36 680 424	39 748 976	41 150 016	42 670 866	42 670 866	42 670 866
Полиэтилен (F-0120), сўм/тн	13 367 792	13 367 792	13 195 259	13 195 259	11 401 179	11 401 179	11 401 179	11 401 179	10 394 514
Кўмир (2 БОМСШ 0-50), сўм/тн	161 003	161 003	161 003	161 003	161 003	161 003	161 003	161 003	161 003
Цемент (М-400 Д-20), сўм/тн	476 792	477 239	421 603	410 915	415 497	441 821	455 700	480 461	491 770
Шифер (8 тўлқинли), сўм/лист бирлигида	28 421	28 177	28 121	28 595	28 532	27 444	28 327	28 032	28 348


ЎзРТХБда сотувга қўйилган бензин, дизель ёнилғиси ва суялтирилган газнинг ҳафталик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган бўғдой унининг ҳафталик ўртача мақбул нархи



ЎзРТХБда сотувга қўйилган шрот ва шелуханинг ҳафталик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган бўғдойнинг ҳафталик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган курилиш битумининг ҳафталик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган полиэтиленнинг ҳафталик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган цементнинг ҳафталик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган пахта ёғининг ҳафталик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган арматуранинг ҳафталик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган маҳсулотларнинг ҳафталик ўртача мақбул нархи



ЎзРТХБда сотувга қўйилган шифернинг ҳафталик ўртача мақбул нархи



ЎзРТХБда сотувга қўйилган кўмирнинг ҳафталик ўртача мақбул нархи





G7 башоратини янгилади

Италиянинг Бари шаҳрида «кучли еттилик» мамлакатлари марказий банклари раҳбарлари ва молия вазирлари учрашиб, жаҳон иқтисодиётининг «инклюзив ўсиши»ни таъминлаш бўйича мажбуриятни назарда тутувчи ҳужжатни қабул қилишди.

«Глобал иқтисодиётни тиклаш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда, айниқса, аксарият мамлакатлар ЯИМ ўсиш кўрсаткичлари ҳаминқадар бўлиб, қутилганига нисбатан паст бўлаётган пайтда унинг долзарблиги ортмоқда», – дейилди қарор баёнида.

Қайд этилганидек, молиявий «еттилик»нинг иштирокчилари «иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик мажбуриятлари»ни тасдиқлади ва «монетар сиёсат, бюджетнинг барча

воситаларини умумий ҳисобда ва хусусий тартибда барчага бирдек наф келтирувчи мақсадларга сафарбар қилиш тарафдори» эканлигини маълум қилган.

«Бари ҳужжати ижтимоий чекланишга қарши курашиш мақсадида умумий ўсишга замин яратади. Иқтисодий ўсиш таъминланиши учун тизимли сиёсий воситаларни ишлаб чиқиш таклиф этилмоқда. Бу воситалар ҳеч қимни эътибордан четда қолдирмаслиги лозим», – деди йигилиш якунида Италиянинг молия ва иқтисодиёт вазири Пьер Карло Падоан.

Бундан ташқари, Падоаннинг қайд этишича, ҳужжатда киберхавфсизлик соҳасидаги ишлар давом эттирилиши назарда тутилган. Бу май ойи охирида «кучли еттилик»нинг Сицилиянинг Таорминида ўтказиладиган саммитида муҳокама мавзуси ҳисобланади.



Жаҳон иқтисодиёти бўйича 2018 йил башорати

Европа Иттифоқи қошидаги комиссия жаҳон иқтисодиёти бўйича тайёрлаган башоратини ўзгаришсиз қолдирди. Хусусан, жаҳон ЯИМ ўсиш кўрсаткичи 2017 йилда 3,7 фоиз ва 2018 йилда 3,6 фоиз бўлишини тахмин қилган эди.

Еврокомиссия жорий йилда евроҳудуднинг ЯИМ ўсиши 1,7 фоиз, 2018 йилда эса бу кўрсаткич 1,8 фоизни ташкил қилишини башорат қилди. Ундан аввалги башоратда эса бу кўрсаткич 1,6 ва 1,7 фоизга етиши тахмин қилинган эди.

Европа Иттифоқидаги ЯИМ ўсиши қутилганига нисбатан барқарор даражада, яъни жорий йил ва келаси йилда 1,9 фоизни ташкил қилиши қайд этилмоқда (қишқи башоратда бу кўрсаткич 1,8 фоиз деб тахмин қилинган). ЕКнинг иқтисодиёт ва молия масалалари бўйича комиссари Пьер Московичнинг таъкидлашича, Европа бешинчи йилдирки мослаштирилган пул-кредит сиёсатини қўллаб-қувватлаш йўлини танлаган.

Евроҳудуддаги инфляция даражаси 2016 йилда 0,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 1,6 фоизга, 2018 йилда 1,3 фоизга етиши тахмин қилинган. ЕИда инфляция даражаси 2016 йилдаги 0,3 фоиздан жорий йилда 1,8 фоизга, 2018 йилда 1,7 фоизга тўғри келиши кутилмоқда.

Ишсизлик даражаси қисқаришда

давом этмоқда, бироқ аксарият давлатларда юқори даражалигича қолмоқда. Евроҳудудда ишсизлик даражаси 2017 йилда 9,4 фоизга, 2018 йилда 8,9 фоизга тушиши кутилмоқда. Бу эса 2009 йил аввалидаги минимал даражага тенгдир. ЕИда ҳам шунга ўхшаш тенденция қайд этилиши кутилмоқда. Ишсизлик даражаси 2017 йилда 8 фоизга ва 2018 йилда 7,7 фоизга етиши тахмин қилинди. Бу эса 2008 йил охиридаги энг паст кўрсаткичдир.

ЕК башоратига кўра, ЯИМга нисбатан давлат бюджети тақчиллиги 2016 йилда 1,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 1,7 фоиз ва 2018 йилда 1,5 фоизга етади.

Евроҳудудда қарзнинг ЯИМга нисбатан улуши жорий йилда 90,3 фоизга тенг бўлиши тахмин қилинди. 2016 йилда бу кўрсаткич 91,3 фоизга тенг бўлган эса, 2018 йилда 89 фоизга етиши кутилмоқда. ЕИда ҳам қарзнинг улуши қисқариши башорат қилинди. 2016 йилда бу улуш 85,1 фоиз, 2017 йилда 84,8 фоиз ва 2018 йилда 83,6 фоизга тўғри келади.


Европол огоҳлантиради

12 май куни дунёнинг 150 дан ортиқ давлатларидаги 200 мингга яқин жисмоний ва юридик шахслар хакерлар томонидан содир этилган жиноятлардан жабрланган. Бу ҳақида Буюк Британиянинг ITV телеканалига Европа полиция агентлиги (Европол) директори Роб Уэйнрайт маълум қилган.

Унинг фикрича, киберҳужумнинг ўзига хослиги шундаки, талончи-вирუსга ўз ўзини тарқатиш вазифаси юкланган. Шу боис жаҳоннинг кўплаб компьютерлари автоматик равишда зарарланган. «Хужумдан кўрилган зарар кенг миқёсни ташкил этди, – деди Уэйнрайт. – Сўнги маълумотларга кўра, 150 давлатдаги 200 мингга яқин инсонлар жабрланган. Бу жабрланганларнинг асосий қисми компаниялар, жумладан, йирик корпорациялар саналади».

Масъул вакилнинг қўшимча қилишича, аксарият инсонлар жиноятчиларга пул тўламайди, бироқ истиқболда вирус тарқалиши хавфи сақланмоқда. «Бу рақамлар кўпайишда давом этмоқда ва бу каби ҳолатлар ҳафта аввалида, идораларда ишлайдиган ходимлар ишга келган ва ўз компьютерларини ёққан вақтида ҳам такоррланишидан хавотирдаман», – дейди Европол директори.

Ўтган ҳафтанинг жума куни, 12 майда хакерлар Windows операцион тизимига эга компьютерларга «WannaCry» номи билан аталувчи вирусни



тарқатишга ҳаракат қилган. Биргина Россия Федерацияси мисолида оладиган бўлса, йирик компаниялар ва марказий идоралар компьютерлари ҳужумга учраган. Масалан, ИИБ, ФВВ, Сбербанк, «Мегафон» мобил оператори шулар жумласидандир.

Германия ЯИМ кўрсаткичи 0,6 фоиз ўсди

2017 йилнинг биринчи уч ойи давомида Германия ЯИМ ўсиш суръати 0,6 фоизни ташкил этди. Ундан аввалги чоракда бу кўрсаткич 0,4 фоизга тенг эди. «Destatis» идораси берган маълумотларга кўра, Германия иқтисодиётининг биринчи чоракдаги ўсиши йиллик ҳисобда 2,9 фоизга етди.

ЯИМ ўсишига мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ишхотларга бўлган ички ва ташқи талабнинг ортиши, истеъмол ва инвестициялар кўпайиши таъсир кўрсатди. Агентлик берган маълумотларга кўра, нисбатан илиқ қишқи об-ҳаво қурилиш сони кескин ортишига сабаб бўлди.

Башорат қилинишича, глобал сиёсий ва иқтисодий мавҳумликка қарамай, немис иқтисодиёти жорий йил давомида барқарор ўсиш суръатини сақлаб қолади.

Яқинда Европа комиссияси томонидан тайёрлаган макро-иқтисодий башоратни эълон қилган эди. Унга кўра, Германия ЯИМ кўрсаткичи 2017 йилда 1,6 фоиз, 2018 йилда 1,9 фоизга ўсиши кутилмоқда. Ишсизлик даражаси эса ўтган йилдагидек қолиши, яъни 4,1 фоизга етиши тахмин қилинмоқда, инфляция даражаси эса 2016 йилдаги 0,4 фоиздан 2017 йилда 1,9 фоизга ортиши ва кейин 1,5 фоизга тушиши кутилмоқда.

Янги аъзолар қабул қилинади

Инфратузилмавий инвестициялар Осие банки (ИИОБ)га аъзо-мамлакатлар рўйхати етти аъзо билан кенгаймоқда. Бу ҳақида молиявий ташкилотнинг матбуот хабарномасида қайд этилди.

Хабарномага кўра, яқин муддат ичда банкка Бахрайн, Боливия, Греция, Кипр, Руминия, Самоа ва Чили сингари давлатлар расман аъзо бўлади.

«Кўп миллатлилик Осие тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади, узоқ истиқболда эса глобал иқтисодиётга наф келтиради. Шу боис ИИОБга кўплаб давлатлар аъзо бўлишни истамоқда», – деди банк президенти Цзинь Лицонь.

Унинг таъкидлашича, молиявий ташкилот келажақда инфратузилмаларни ривожлантиришга эҳтиёжи мавжуд янги аъзоларни хуш кайфият билан қарши олади.

Етти янги аъзолар барча зарур тартиб-таомилларга мослашиб, илк бадалларини киритгач, банкнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланади.

Реклама



ДИҚҚАТ АКЦИЯ!

VISA КАРТАСИНИ ОЧИНГ ВА
Бали оролига саёҳатни ютиб олинг!

Хизматлар лицензияланган.



ASIA ALLIANCE
BANK

☎ 231-60-00

www.aab.uz



Finance.uz
молиявий-иқтисодий портали
Гувоҳнома: № 0657.

Ўз жамғармаларингизни самарали бошқаришни ва
мулқингиздан оқилона фойдаланишни истайсизми?
Бу саволларга жавобларни
www.finance.uz сайтдан топишингиз мумкин.

Онлайн-маркетинг ривожланмоқда

Пойтахтимизда онлайн-маркетинг ва интернет тармоғида товар ва хизматларни таклиф этишга бағишланган «Usenet – 2017» халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

USENET 2017

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази, «Ledokol Group» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистондан телекоммуникация ва реклама соҳаси мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда бугун мамлакатимизда 12 млн. дан ортиқ интернетдан фойдаланувчи ва 21 млн.дан зиёд мобиль алоқа абонентлари рўйхатга олингани ва уларнинг аксарияти мобиль интернет хизматларидан фойдаланаётгани таъкидланди.

«Ledokol Group» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилшод Музаффаровнинг айтишича, ўз товар ва хизматларини интернет орқали таклиф этаётган реклама берувчилар сони йил сайин кўпаймоқда. Бу ўзига хос йўналиш бўлиб, маркетинг соҳасидаги анъанавий ёндашувларни ўзгартирмоқда. Натижада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар янги реклама воситаларига эга бўлаётир, UZ доменига янги портал ва сайтлар қўшилиб, янада ривожланмоқда.

Онлайн-маркетинг яқинда пайдо бўлганига қарамасдан мамлакатимизнинг кўплаб компания ва корхоналари ушбу хизмат туридан самарали фойдаланмоқда. Анжуманда веб-ресурслар ва ижтимоий тармоқлар орқали товар ва хизматларни таклиф этишга ихтисослашган мамлакатимиз ва хорижий маркетингларнинг тажрибаси ҳақида сўз юритилди.

Анжуман доирасида ташкил қилинган маҳорат сабоқларида веб-ресурслардан фойдаланувчилар эътиборини жалб этишга хизмат қиладиган ўзига хос реклама баннерларини яратиш усуллари, мамлакатимизда ишлаб чиқилган «CLICK» мобиль банкинг тизими янги хизматлари ва имкониятлари намойиш этилди.

Ў.А.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Наشر учун масъул

А.С. АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЕРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КўМАГИ

Ў.А., «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,
Шахрисабз кўчаси, 23-уй,
e-mail: info@banknews.uz,
www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
232-45-32 телефони
орқали мурожаат қилинг.
Факс: 232-43-98.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.
Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан
«Банк ахборотномаси»да эълон қилинган мате-
риалларни кўчириб босишга ижозат берилмади.
Кўлэзмалар тақриз қилинмайди ва
кайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда
0065-гартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба
кўни чиқади.

Буюртма № 968.

Адади 7481 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табоқда
чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 17.05.2017 й., 9.00.